



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАРГА ЭСКИРИШ ҲИСОБЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ



Хожимуродов Зухриддин Шукурулло ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти

Аннотация. Мазкур мақолада қишлоқ хўжалигида асосий воситаларга эскириш ҳисоблашнинг айрим масалалари ёритилган. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қоидалар қиёсий таҳлил қилинган ҳамда иқтисодчи олимларнинг ёндашувлари тадқиқ қилинган. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблашни яхшилаш бўйича хулосалар шакллантирилган ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, асосий воситалар, эскириш ҳисоблаш, амортизация, қиёсий таҳлил, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари.

Аннотация. В данной статье освещены некоторые вопросы амортизации основных фондов в сельском хозяйстве. Проведен сравнительный анализ положений нормативных правовых документов по расчету амортизации основных средств и изучены подходы экономистов. Сформулированы выводы и рекомендации по совершенствованию расчета амортизации основных средств.

Ключевые слова: сельское хозяйство, основные средства, международные стандарты бухгалтерского учета, сравнительный анализ, расчет амортизации.

Abstract. This article highlights some issues of depreciation of fixed assets in agriculture. A comparative analysis of the provisions of regulatory legal documents on the calculation of depreciation of fixed assets was carried out and the approaches of economists were studied. Conclusions and recommendations for improving the calculation of depreciation of fixed assets are formulated.

Key words: agriculture, basic assets, international accounting standards, comparative analysis, calculation of depreciation.

1. Кириш.

Асосий воситаларга эскириш ҳисоблашни халқаро стандартлар талабларини эътиборга олган ҳолда ташкил этиш муҳим масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон Қарорида “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни

жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш” [1] вазифаси белгиланган ва ушбу вазифани бажариш бугунги кунда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига кўра “Амортизация қилинадиган барча активлар бўйича амортизацияни ҳисоблаш амортизациянинг қуйидаги энг юқори нормалари қўлланилган ҳолда тўғри чизиқли усул орқали амалга оширилади (1-жадвал):

1-жадвал

Амортизация гуруҳларининг (кичик гуруҳларининг) номи ва нормаси

Гуруҳлар тартиб рақами	Кичик гуруҳлар тартиб рақами	Амортизация гуруҳларининг (кичик гуруҳларининг) номи	Амортизациянинг нормаси, фоизларда
I		Бинолар ва иншоотлар	
	1	Бинолар	5
	2	Иншоотлар	10
II		Қувурлар, электр узатиш ва телекоммуникациялар линиялари	15
III		Машиналар ва ускуналар (транспорт ускуналаридан ташқари)	20
IV		Транспорт ускуналари	
	1	Ҳаво ва космик учиш аппаратлари ва улар билан боғлиқ ускуналар, кемалар ва қайиқлар, локомотивлар ва ҳаракатдаги таркиб (темир йўл таркиби)	10
	2	Автотранспорт воситалари, автомобиль кузовлари (корпуслари), тиркамалар ва ярим тиркамалар, бошқа транспорт ускуналари	20
V		Компьютерлар ва периферия ускуналари	40
VI		Бошқа гуруҳларга киритилмаган амортизация қилинадиган активлар	15

Солиқ тўловчи солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида амортизацияни ушбу моддада белгиланганидан пастроқ нормалар бўйича ҳисоблашга ҳақли” [2].

Шунингдек, асосий воситаларга эскириш ҳисоблашнинг халқаро стандартлар бўйича ҳисобга олиниши ва республикамиздаги амалдаги қоидалар билан қиёсий таҳлил қилиш, халқаро стандартлар талабларидан республикамизда фаолият юритаётган қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятида фойдаланиш жуда муҳим ҳисобланади.

2. Адабиётлар шарҳи.

16-сон “Асосий воситалар” номли Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (БҲХС)да асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш масалаларига тўхталиб “Агар асосий восита объектининг ҳар қандай компонентининг бошланғич қиймати бундай объектнинг умумий бошланғич қийматига нисбатан аҳамиятли бўлса, бу компонент бўйича алоҳида эскириш ҳисобланиши лозим. Ташкилот асосий восита объекти бўйича дастлаб тан олинган умумий суммани унинг аҳамиятли бўлган компонентлари ўртасида тақсимлайди ва ҳар бир компонент бўйича алоҳида эскириш ҳисоблайди” [3]. Масалан, халқаро стандартлар талабларига кўра қишлоқ хўжалик корхоналарида пахта териш машинаси корпуси ва пахта йиғиладиган қисмига ҳисобланиши ўринли бўлиши мумкин. Лекин, бутунги кунда амалиётда пахта териш машинаси корпуси ва пахта йиғиладиган қисми суммаси аниқланиб битта эскириш ҳисобланмоқда.

5-сонли “Асосий воситалар” номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС)га кўра “амортизация - фойдали хизмат муддати мобайнида активнинг амортизацияланадиган қийматини асосий воситаларнинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига тизимли тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодаси” эканлиги келтирилган [4]. 5-сон стандартда “Асосий воситалар қиймати амортизация ҳисоблаш йўли билан қопланади. Амортизацияланадиган қиймат бутун фойдали хизмат муддати мобайнида субъект харажатларига амортизация ажратмалари кўринишида тизимли тақсимланади” [4] дейилган.

21-сонли “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига кўра “0211-0290 счётларида мулкчилик ҳуқуқи корхонага тегишли бўлган асосий воситаларнинг эскириши ҳисобга олинади. Асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммаси тегишли асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётларнинг (0200) кредитида, харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда олиб борилади” [5].

Хорижлик иқтисодчи олим М.Филиппованинг фикрича, “Амортизация солиштиришнинг кейинги жиҳати ҳисобланади. Шундай қилиб, Россия бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусияти - бу асосий воситаларнинг қийматини фойдали хизмат муддати йиллари йиғиндиси бўйича ҳисобдан чиқариш усулидир” [6].

3. Тадқиқот методологияси.

Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш масалаларини тадқиқ қилишда мантиқий фикрлаш, маълумотларни қайта ишлаш, қиёсий таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар.

16-сон БҲХСда “Ҳосилдор ўсимлик - бу жонли ўсимлик бўлиб: (а) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ёки етказиб беришда ишлатилади; (б) бир ҳисобот давридан ортиқ муддатда маҳсулот бериши кутилади; ва (в) чиқинди шаклида қўшимча сотилишини истисно қилганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сифатида сотилиши эҳтимоли кам бўлади” [3] деган фикр келтирилган. 21-сон БҲХСда халқаро стандартдан фарқли жиҳатда, “0180 “Кўп йиллик ўсимликлар” счётида кўкаламзорлаштириш, декорация, мева-резавор дарахтлар ва ўсимликлар,

яшил деворлар ва бошқалар ҳисобга олинади” [5] дейилган Халқаро стандартлар қоидаларига мувофиқ асосий восита объектининг аҳамиятли компоненти бўйича фойдали хизмат муддати ва эскириш ҳисоблаш усули ушбу активнинг бошқа аҳамиятли компоненти бўйича фойдали хизмат муддати ва эскириш ҳисоблаш усули билан бир хил бўлиши мумкин. Бундай компонентлар эскириш суммасини аниқлаш мақсадида гуруҳланиши мумкин.

Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда, уларнинг фойдали хизмат муддатларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни фойдали хизмат муддатини белгилашда қуйидаги омилларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

5-сон БҲМСда «фойдали хизмат муддати - корхона активдан фойдаланадиган вақт даври ёки корхона ушбу активдан фойдаланишдан олишни мўлжаллаётган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) миқдори. Қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан таъминлаш, реконструкция, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш бўйича ишлар тугатилганидан сўнг фойдаланишга киритилган асосий воситалар учун фойдали хизмат муддати бўлиб ушбу ишлар тугатилганидан сўнг мазкур асосий воситалар фойдаланишга киритилган пайдан бошлаб корхона томонидан асосий воситалардан фойдаланиладиган вақт даври ёки корхона ушбу асосий воситалардан фойдаланишдан олишни қутаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) миқдори ҳисобланади» [4] деб келтирилган.

Асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддатини белгилашда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш тавсия этилади (расм).



Расм. Асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддатини белгиловчи омиллар 16-сон БҲХС ва 5-сон БҲМСга кўра асосий воситаларнинг тан олинишидаги қийматларининг қиёсий таҳлили қуйидаги 2-жадвалда келтириб ўтилди.

2-жадвал

16-сон БҲХС ва 5-сон БҲМС бўйича асосий воситаларнинг тан

олинишидаги қийматларининг қиёсий таҳлили

Қиймат номи	16-сонли БҲХСга кўра	Қиймат номи	5-сонли БҲМСга кўра
Бошланғич қиймати	Келгуси иқтисодий наф келтириши, объектнинг бошланғич қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлса	Бошланғич қиймат	Асосий воситаларни яратиш (қуриш ва қуриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича қилинган харажатларнинг қиймати, шу жумладан тўланган ва қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар), шунингдек активни ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва исталган бошқа харажатлар
Таннарх	Активни унинг хариди ёки қурилиши пайтида сотиб олиш учун тўланган пул маблағи ёки пул маблағи эквивалентидаги қиймат ёки бошқа турдаги унинг эвазига берилган товоннинг ҳаққоний қиймати ёки активнинг дастлабки тан олинишидаги қийматдир		
Эскириш ҳисобланадиган қиймат	Активнинг тугатиш қиймати чегирилгандаги таннархи ёки таннарх ўрнига акс эттириладиган бошқа қийматдир	Амортизацияланадиган қиймат	Қутилаётган (баҳоланган) тугатиш қийматини чегирган ҳолда молиявий ҳисоботларда кўрсатилган активнинг бошланғич (тиклаш) қиймати суммаси
Тадбиркорлик субъектига хос қиймат	Тадбиркорлик субъекти томонидан активдан давомий фойдаланишидан ва фойдали хизмат муддати охирида балансдан чиқаришдан ёки мажбурият сўндирилганида қутиладиган пул оқимларининг келтирилган қийматидир	Жорий қиймат	Маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича асосий воситаларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлган сумма
Ҳаққоний қиймат	Баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги	Қолдиқ (баланс)	Жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда

	одатдаги операцияда активни сотишда олинши мумкин бўлган ёки мажбуриятни ўтказишда тўланиши мумкин бўлган нарх	қиймат	асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати
Қадрсизла ниш-дан зарар	Активнинг баланс қийматининг унинг қопланадиган қийматидан ошадиган қисмидир	Тугатиш қиймати	Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирилган ҳолда кутилаётган фойдали хизмат муддати охирида асосий воситаларни тугатиш чоғида олинадиган активларнинг кутилаётган суммаси
Қопланадиган қиймат	Активнинг қуйидаги қийматларидан юқорироғи: сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати ва унинг фойдаланишдаги қиймати		
Активнинг тугатиш қиймати	Активнинг чиқиб кетиши бўйича баҳоланган харажатлар чегирилган ҳолда, тадбиркорлик субъекти айна пайтда худди актив фойдали хизмат муддати охирида кутилган муддати ва ҳолатида бўлганидек активнинг чиқиб кетишидан оладиган баҳоланган қиймати		

16-сон БҲҲС ва 5-сон БҲМСга кўра асосий воситаларга эскириш ҳисоблашнинг қиёсий таҳлили қуйидаги 3-жадвалда келтириб ўтилди.

3-жадвал

16-сон БҲҲС ва 5-сон БҲМСга кўра асосий воситалар усуллари
қиёсий таҳлили

Кўрсаткич	16-сон БҲҲСга кўра	5-сон БҲМСга кўра
Амортизация усуллари	Активнинг эскириш ҳисобланадиган қийматини унинг фойдали хизмат муддати давомида тизимли асосда тақсимлаш учун эскириш ҳисоблашнинг турли усулларидан фойдаланиш мумкин. Улар усуллар тўғри чизиқли усул, камайиб борувчи қолдиқ усули ва ишлаб	а) амортизацияни бир маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш; б) амортизацияни бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаш (ишлаб чиқариш усули);

	<p>чиқариш усулини ўз ичига олади. Эскиришнинг тўғри чизиқли усули, агар активнинг тугатиш қиймати ўзгармаса, активнинг фойдали хизмат муддати давомида ўзгармас эскириш суммасини келтириб чиқаради. Камайиб борувчи қолдиқ усулида эскириш суммаси активнинг фойдали хизмат муддати давомида камайиб боради. Ишлаб чиқариш усулида эскириш суммаси активдан кутилаётган фойдаланиш ёки ишлаб чиқариш ҳажми асосида ҳисобланади. Ташкилот активда мужассамлашган келгуси иқтисодий наф истеъмол хусусиятларини аниқроқ акс эттирадиган усулни танлайди. Танланган усул даврлараро изчил қўлланиши лозим, бундан келгуси иқтисодий нафларнинг истеъмол характеридаги ўзгариш мустасно</p>	<p>Асосий воситалардан интенсив фойдаланилганда, шунингдек илмий-техникавий жараённинг катта таъсирида асосий воситалар амортизацияси қуйидаги усулларда ҳисобланадиган жадаллаштирилган амортизация йўли билан ифодаланади:</p> <p>а) икки барабар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули;</p> <p>б) йиллар йиғиндиси усули (кумулятив усул)</p>
--	--	--

Демак, қиёсий таҳлил маълумотларидан кўринадики, халқаро стандартлар бўйича, йиллар йиғиндиси (кумулятив) усули бўйича эскириш ҳисоблашга сўнгги йилларда катта эътибор берилмаяпти.

Шундай қилиб, республикамизда бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлашда халқаро стандартлар тамойилларини жорий этилиши, маълумотларни тўлиқ очиб берувчи ахборотларни олишни хоҳлайдиган ички, хусусан ташқи манфаатдор фойдаланувчилар сонининг кўпайиши билан боғлиқ.

5. Хулоса ва таклифлар.

Асосий воситалар эскириши ва уни ҳисоблаш тартиби жиддийликни ва ўзига хос эътиборни талаб қиладиган жараёндир. Бунинг учун бухгалтердан қуйидагилар талаб этилади:

асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддатларини аниқ белгилаб олиши (йиллик меъёрларини белгилаб олиш);

асосий воситалар учун амортизация ҳисоблашнинг усулларини тўғри қўллаш олиши (ҳисоб сиёсатида белгилаш);

асосий воситалар бўйича ҳисобланган амортизация суммаларини бухгалтерия ҳисоби счётларда акс эттириши;

асосий воситалар ҳақидаги маълумотлар молиявий ҳисоботларнинг тегишли шакллари учун илова тарзида акс эттириб борилиши.

Хулоса қилиб айтганда, 5-сон БҲМСга кўра маҳсулдор ҳайвонларга эскириш ҳисобланмайди, бироқ халқаро стандартга мувофиқ эскириш ҳисоблаш мумкин. Маҳсулдор чорва молларига эскириш ҳисоблашни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади, бу таннарх тўғри аниқланишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4611-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4746047>
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. <https://lex.uz/docs/4674902>
3. 16-сон “Асосий воситалар” номли Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (БҲХС). <https://nrm.uz/contentf?doc=695928> (ias) 16
4. 5-сонли БҲМС “Асосий воситалар”. <https://lex.uz/acts/821041>
5. 21-сонли БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”. <https://lex.uz/acts/809350>
6. Филиппова М. Сравнительный анализ учета основных средств по РСБУ и МСФО//European journal of economics and management sciences. - 2017. - №2. -С. 6-9.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

